Бақара сураси, 14-оят

12:15 / 04.07.2017 6448

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ آمَنُوا قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا خَلَوْا إِلَى شَيَاطِينِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ

Қачон иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», – дерлар, шайтонлари билан холи қолганларида эса: «Албатта, биз сизлар биланмиз, биз истеҳзо қиляпмиз, холос», – дерлар. *Бақара 14.*

Ушбу оятдан билинадики, мунофиқлар иккиюзламачи, қўрқоқ ҳам бўлишади. Мўминларнинг даврасига кириб қолсалар, «Биз ҳам мўмин-мусулмонмиз, отам фалончи эди, бобом писмадончи эди, мен дин учун у қилдим, бу қилдим, келажакда яна кўп ишлар қилмоқчиман», – деб кўкракка урадилар. Бор имкониятларини ишга солиб, мўминларнинг ишончини қозонишга уринадилар. Аммо дилларидаги ҳақиқатни айтишга қўрқоқлик қиладилар. Ўз тоифасига – шайтонларига йўлиққанда эса аслини ошкор этадилар: уларнинг таъна-дашномларини кутмасданоқ, «Аслида биз сизлар билан биргамиз, мўминлар билан учрашганимизнинг боиси эса уларни бир масхара қилиш эди», – дейишади.

Мунофиқлар «Мўминларнинг устидан куляпмиз», – дейишади-ю, лекин ўзларининг ҳолларидан хабарлари йўқ. Чунки ким кимнинг устидан кулиши кераклигини Аллоҳнинг Ўзи яхши билади.